

**“Ташаббусли бюджет” жараёнларида амалга оширилган ишлар,
йўл қўйилган камчиликлар юзасидан
МАЪЛУМОТ**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2024 йил 30 январдаги 666-сонли қарорида “Ташаббусли бюджет” дастури тартиби белгиланган.

Бунда, Лойиҳалар учун маблағлар ўтказиб берилган кундан бошлаб, қурилиш-таъмирлаш лойиҳаларни бажариш учун **5 ой** ҳамда харид қилиш билан боғлиқ лойиҳалар учун бажариш муддати **4 ой** этиб белгиланган бўлиб, туман ва шаҳарларда йил бошида тасдиқланган харажатлар сметасидаги камида **5 фоиз** маблағлар “Ташаббусли бюджет” учун ажратилади ҳамда ҳар чоракда маҳаллий бюджетнинг орттириб бажарилган қисмидан **30 фоиз** йўналтирилиб, жамғармаларда маблағлар шаклланади.

Маълумот учун: “Очиқ бюджет” ахборот порталида фуқароларни идентификация қилиш орқали “Бир фуқаро- бир овоз” тамойили асосида шаклланади.

Лойиҳани амалга оширишнинг умумий қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг **4 минг баробаридан** ($375 \text{ минг сўм} \times 4000 = 1500 \text{ млн.сўм}$) ошмаслиги лозим.

“Ташаббусли бюджет” 1-мавсуми; **1-20 феврал** кунлари ташаббускор томонидан лойиҳа киритилади. **21 феврал 7 март** кунлари “Ишчи комиссия” томонидан саралаб олинади. **8-10 март** кунлари тарғибот ишлари амалга оширилади. **11-20 март** кунлари овоз бериш жараёнлари амалга оширилиб, **21-март “Наврўз”** байрамига ёлиблар эълон қилинади.

“Ташаббусли бюджет” 2-мавсуми; **15 июл - 3 август** кунлари ташаббускор томонидан лойиҳа киритилади. **4-18 август** кунлари “Ишчи комиссия” томонидан саралаб олинади. **19-21 август** кунлари тарғибот ишлари амалга оширилади. **22-31 август** кунлари овоз бериш жараёнлари амалга оширилиб, **1-сентябр “Мустақиллик”** байрамига ёлиблар эълон қилинади.

“Ёлиб лойиҳа” — овоз бериш жараёни якунларига кўра тўпланган овозлар сони асосида “Портал” томонидан автоматик тарзда танлаб олинган лойиҳа ҳисобланади.

“Ёлиб лойиҳа”ни танлашда “Портал” томонидан “Ташаббусли бюджет” жамғармасига шаклланган маблағлар доирасида, Буюртмачи

ташкilotлар томонидан лойиҳаларнинг қийматига асосланиб, **энг кўп овоз тўплаган** лойиҳадан юқоридан пастга қараб танлаб олинади.

Лойиҳаларни баҳолаш, саралаб олиш ҳамда ижросини мониторинг қилиш бўйича, Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгаши раиси, **Ишчи комиссия** раҳбари бошчилигида, туман (шаҳар) халқ депутатлари Кенгашининг (камида 2 нафар) вакили, туман (шаҳар) ҳокимининг қурилиш масалалари бўйича ўринбосари, туман (шаҳар) камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлими бошлиғи, туман (шаҳар) иқтисодиёт ва молия бўлими бошлиғи, туман (шаҳар) иқтисодиёт ва молия бўлимининг Маҳаллалар ва очик бюджет масалалари бўйича бош мутахассиси (**Модератор**), туман (шаҳар) адлия бўлими вакили, Иқтисодиёт ва молия бош бошқармаси вакили, туман (шаҳар) ҳокимлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши вакили ва Нодавлат нотижорат ташкilotларининг вакиллари томонидан амалга оширилади.

Ташаббусли бюджет жараёнларини ўтказиш қуйидаги схема асосида амалга оширилади:

1-Босқич:

1. Ҳар чорак (йил) якунлари бўйича кейинги ойнинг 25-санасига қадар: Туман (шаҳар) ҳокимликлари -Фуқаролар ташаббуси жамғармаси, махсус ғазна ҳисобварағига йўналтириладиган маблағлар миқдорини белгилаш бўйича таклифни тасдиқлаш учун тегишли халқ депутатлари туман (шаҳар)лар Кенгашига киритади.

2. Таклифлар олинган санадан эътиборан уч иш куни ичида: Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгаши -Жамғармага йўналтириладиган маблағлар миқдорини кўриб чиқади ҳамда тасдиқлаш бўйича қарор қабул қилади.

2-Босқич:

Мавсумлар бошланишидан камида йигирма кун аввал: Ишчи комиссия -Жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирлар учун назарда тутилган маблағлар миқдори ва жараёни ўтказиш тартибини “Очик бюджет**” ахборот портали ва оммавий ахборот воситалари орқали жамоатчиликка етказди.**

3-Босқич: Лойиҳа киритиш жараёни бошланган санадан бошлаб йигирма кун давомида: Таклиф бериш истагини билдирувчилар - Маҳалла ёки туман (шаҳар)даги мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича таклифларни “Очик бюджет**” ахборот порталига жойлаштиради.**

4-Босқич: Таклиф бериш тадбирлари якунланган санадан эътиборан йигирма кун давомида: Ишчи комиссия -Мезонларга мувофиқлиги ҳамда тадбирлар амалга оширилиши имкониятларини

ўрганган ҳолда таклифларни танлаб олади ва «**Очиқ бюджет**» ахборот порталига жойлаштиради.

5-Босқич: Саралаш босқичи якунланган санадан бошлаб йигирма кун давомида; **Ишчи комиссия** -Жамоатчилик томонидан овоз бериш жараёни ўтказилади.

6-Босқич:

1. Овоз бериш жараёни якунларига кўра; **Портал томонидан** - Овоз бериш жараёни якунларига кўра ҳар бир ҳудудда энг кўп овоз тўплаган таклифлар ғолиб деб топилади ва таклифларга берилган овозлар сонидан келиб чиқиб **юқоридан пастга қараб саралаб олинади.**

2. Овоз бериш жараёни якунланган санадан эътиборан бир ҳафта муддатда; **Ишчи комиссия** -Овоз бериш жараёни якунларига кўра Жамғарма маблағлардан молиялаштириладиган тадбирлар бўйича таклифларни тегишли халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашига кўриб чиқиш учун киритади.

7-Босқич: Қарор қабул қилинган кундан бошлаб 1 кун муддатда; **Ишчи комиссия** -Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгаши томонидан маъқулланган таклифларни «Очиқ бюджет» ахборот порталида ва бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилади.

8-Босқич: Ҳар чорак якунлари бўйича кейинги ойнинг 10-санасига қадар; **Ишчи комиссия** -Жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилган маблағлар юзасидан халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига ҳисобот киритади.

Маълумот учун: “Ташаббусли бюджет” жараёнларини мувофиқлаш-тириш учун “Ишчи орган” бўлиб вилоят Иқтисодиёт ва молия бошқармасида **1 нафар**, туман (шаҳар)ларда **27 нафар** тегишли мутахассис штат бирликлари ажратилган. Ушбу лавозимларда тўлиқ таркиб билан масъул ходимлар ишлаб келмоқда. (Рўйхат илова қилинади)

2024 йилнинг 1-мавсуми бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида.

Мавсум жараёнида ташаббускорлар томонидан ижтимоий соҳа муассасалари (моддий техника базаси), **1025 та** маҳаллаларни муҳандислик-коммуникация тармоқлари, йўл-транспорт инфратузилмасини таъмирлаш ишларига вилоят бўйича жами **790,4 минг** овоз йиғиш орқали жами қиймати **353,1 млрд.сўмлик 315 та** ташаббус лойиҳалари “Ғолиб” деб топилган ҳамда **353,1 млрд.сўм** маблағ ажратилган.

Шундан, **265 та лойиҳа** (қиймати **302,8 млрд.сўм**) қурилиш-таъмирлаш бўйича ҳамда **50 та** лойиҳа (қиймати **32,2 млрд.сўм**) жиҳозлаш учун ютиб олинган.

Жиҳозлаш ишлари бўйича **50 та** лойиҳанинг барчасида харид жараёнлари амалга оширилиб якунига етказилган.

2024 йилнинг 2-мавсуми бўйича амалга оширилган ишлар

Мавсум жараёнида ташаббускорлар томонидан вилоят бўйича **157 та** маҳалла фуқаролар йиғинидан жами **405 минг** нафар фуқароларнинг овозлари орқали жами қиймати **221 млрд.сўмлик 196 та** ташаббус лойиҳалари “Ғолиб” деб топилган.

Шундан, **167 та лойиҳа** (қиймати **199,0 млрд.сўм**) қурилиш-таъмирлаш бўйича ҳамда **29 та** лойиҳа (қиймати **22,1 млрд.сўм**) жиҳозлаш учун ютиб олинган.

Жиҳозлаш ишлари бўйича **29 та** лойиҳанинг барчасида харид жараёнлари амалга оширилиб якунига етказилган.

2025 йилнинг 1-мавсуми бўйича амалга оширилган ишлар

Туман (шаҳар) жамғармаларига 2025 йил 1-мавсумда бюджет параметрлари ҳисобидан **231,6 млрд.сўм** ва туман (шаҳар) бюджетларининг қўшимча (эркин қолдиқ) маблағларининг 30 фоизи ҳисобидан **19,5 млрд.сўм**, ўтган мавсумлардан иқтисод қилинган маблағлар ҳисобидан **45,7 млрд.сўм** жами бўлиб **296.8 млрд.сўм** маблағларни шакллантириш режалаштирилган.